

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ**

**ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Малака ошириш тармоқ маркази директори

_____ О. О. Ҳасанов

2015 йил «___» _____

**“Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини
ўқитишда илғор тажрибалардан фойдаланиш” модули
бўйича**

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи: проф. А.А.Маврулов

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

1. ИШЧИ ДАСТУР

2. МАЪРУЗА МАТНИ

1-Мавзу. Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларининг назарий асослари.

2-Мавзу. Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларидағи инновациялар ва трансформацион жараёнлар.....

АМАЛИЙ МАШФУЛОТ

1. *Мавзу.* Янги педагогик технологияларни фанларни ўқитишдаги ўзгаришлари ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш.....

2- *Мавзу.* Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини такомиллаши жараёни.

4. ТЕСТ САВОЛЛАРИ

5. МУТАХАССИС ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН ТАҚРИЗ

6. ЭКСПЕРТ ХУЛОСАСИ

Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик

I. Қириш

“Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитиша илғор тажрибалардан фойдаланиш” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитиша янги педагогик технологиялардан фойдаланиш, фанларни ўқитиши такомиллаштириш бўйича малака ва кўникмаларни такомиллаштириш.

“Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитиша илғор тажрибалардан фойдаланиш” модулининг вазифалари:

- Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини олий таълимда ўқитиши жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқлиқда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;

- тингловчиларнинг санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишдаги муаммоларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишдаги муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитиша илғор тажрибалардан фойдаланиш” модулини ўзлаштириш жараёнida амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитиша илғор тажрибалар ва уларни ҳал этишда педагогик технологиялардан фойдаланиш стратегиялари; замонавий педагогик атамаларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар; олий таълимда илғор педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши керак;

- Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитиша замонавий педагогик тажрибалар асосида кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши зарур;

- Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишдаги муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш малакаларини эгаллаши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Модул мазмуни ўқув режадаги “Маданиятшунослик назарияси фанининг долзарб масалалари”, “Санъатшунослик фанининг долзарб масалалари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниqlаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустакил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Назарий		
			жами	жумладан	Назарий	Амалий машғулот		
1.	Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларининг назарий асослари.	2	2	2				
2.	Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларидағи инновациялар ва трансформацион жараёнлар.	2	2	2				
3.	Янги педагогик технологияларни фанларни ўқитишдаги ўзгаришлари ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш	2	2			2		
4	Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини такомиллаши жараёни.	2	2			2		
5	Санъатшунослик бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари.	2					2	
	Жами:	10	8	4	4		2	

НАЗАРИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларининг назарий асослари. (2 соат)

Режа:

1. Санъатшунослик фанларини ўқитишдаги инновациялар.
2. Маданиятшунослик фанини ўқитишда илғор тажрибаларидан фойдаланиш.

Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишдаги илғор педагогик тажрибалар ва инновацион янгиликлардан фойдаланиш. Замонавий ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчилар ва уларни бартараф этиш йўллари.

2-мавзу: Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларидаги инновациялар ва трансформацион жараёнлар. (2 соат)

Режа:

1. Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш.
2. Маданиятшунослик фанини ўқитишда қайси ахборот технологиялардан фойдаланиш мумкин

Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанлари ўқитувчисининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш – долзарб педагогик муаммолари.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

3-мавзу: Янги педагогик технологияларни фанларни ўқитишдаги ўзгаришлари ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш (2 соат)

Режа:

1. Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишдаги интерфаол ўйинлар.
2. Инновацион технологияларни қўллаш усуллари

Интерфаол (inter – бу ўзаро, act – харакат қилмоқ) – ўзаро харакат қилмоқ ёки ким биландин сухбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишининг интерфаол услубиётлари – билиш ва коммуникатив

фаолиятни ташкил этишнинг маҳсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинадиган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Кейс: Замонавий шароитда ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган муаммолар. Кейс: Олий таълимда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш. Кейс: Замонавий педагогик атамалар.

4-мавзуу: Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини тақомиллаши жараёни. (2 соат)

Режа:

1. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши
2. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти, умумий холати, муаммолари, уларни хал этиш йўллари

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Санъат асарларининг замонавий жанр ва кўринишлари.
2. Санъатшунослик фанларини ўқитишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш
3. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши
4. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти, умумий холати, муаммолари, уларни хал этиш йўллари
5. Жамиятни маънавий ахлоқий ва тарихий маданий ривожлантириш жараёнида тарихий хотиранинг ўрни ва муаммолари.
6. Санъатшунослик ва маданиятшуносликнинг асосий тадқиқот манбалари.
7. Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларининг ўқитиши технологиялари.
8. Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларида интерфаол ўйинларни қўллаш жараёни.
9. Ҳозирги замон маданиятшунослик фани билан боғлиқ билимларни аҳамияти.
10. Инсон ва жамият ҳаётида санъат ва маданиятнинг ўрни.
11. Маданиятнинг аҳамияти хусусида мутафаккирларнинг фикрлари.
12. Санъат ва маданият тушунчаларининг таърифи, таснифлари.
13. Санъатшуносликнинг асосий йўналишлари, тадқиқотлари
14. Янги педагогик технологияларни қўллашда санъа ва маданият асарларидан фойдаланиш жараёни.
15. Техноген маданият ва унинг моҳияти.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2012.
- 1.2. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонунию – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
- 1.3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. – 9-сон.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

- 2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «Ёш оиласаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида». «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 19 май.

2.2. “Ўзбеккино” давлат акциядорлик компаниясини тузиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 1996 йил 29 апрель // Ўзбекистон Президентининг Фармонлари. 4. – Тошкент: Адолат, 2000.

2.3. Ўзбекистон Бадиий академиясини ташкил этиш ҳақида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. 1997 йил 27 февраль

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг Фармони. “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533 сонли қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меърий хужжатлари

3.1. “Жаҳон адабиёти” журналини ташкил этиш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарори. 1997 йил 27 февраль // Халқ сўзи. 1997 йил 1 март.

3.2. Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси қарори. 2012 йил 26 сентябрь // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2012 йил, 39-сон.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

- 4.1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008.
- 4.2. Каримов И.А. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси. Халқаро илмий-амалий конференциядаги сўзи. «Халқ сўзи», 2007 йил 15 август.
- 4.3. Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс хиссасининг юксак эътирофи. Президент И.Каримовнинг «Туркистон – пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюси. «Халқ сўзи» газ. 2007 йил 23 февраль.
- 4.4. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Тошкент: 1994.
- 4.5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. – Тошкент: 1998.

V. Дарсликлар, Ўқув қўлланмалар... (алифбо тартибида)

- 5.1. Абдуллаев Н.. Санъат тарихи. 2 қисмлик. I – қисм. – Тошкент, 1987.
- 5.2. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2 қисмлик. II – қисм.– Тошкент, 2001.
- 5.3. Маврулов А., Дехқонов И. Маданият тарихи (ўқув қўлланма). Тошкент.: 2004.
- 5.2. Мусаев Н., Азимов. И. Маданиятшунослик (ўқув қўлланма). – Тошкент.: “Muxarrir”, 2010.
- 5.3. Усмонов Қ ва бошқалар. Маданиятшунослик (ўқув қўлланма). – Тошкент.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2008.
- 5.4. Корабоев У. Соатов F. Ўзбекистон маданияти (ўқув қўлланма). Тошкент.: “Tafakkur bo’stoni”. 2011.
- 5.5. Кўлдашев Ш. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг қайта тикланиши (ўқув қўлланма). – Тошкент: Турон-иқбол, 2012.
- 5.6. Раҳмонов М., Тўлахўжаева М.Т., Мухторов И.А. Ўзбек Миллий академик драма театри тарихи. Иккинчи китоб. - Т.: Истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази, 2003. - 267 б.
- 5.7. Қодиров М.Х. Ўзбек театри анъаналари. - Т.: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашр., 1976. - 420 б.
- 5.8. Қодиров М. “Ўзбек театри тарихи”. Т.: “Ижод дунёси”. 2003.

Интернет маълумотларн:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: www.press-service.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: www.gov.uz
3. Programme www.lugat.uz, www.glossaiy.uz
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: www.uz
5. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz
6. <http://www.teatr.ru>
7. <http://www.uzbekteatr.skm.uz>
8. <http://stanislavsky.by.ru>
9. <http://www.teatr-estrada.ru>
10. <http://www.aktor.ru>
11. <http://www.meyerhold.ru>
12. www.ziyonet.uz
13. www.edu.uz
14. www.nuu.uz
15. www.dsni.uz
16. www.bimm.uz
17. www.dsni.kaz.uz

МАЪРУЗА МАТНИ

1-мавзу: Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларининг назарий асослари. (2 соат)

Режа:

1. Санъатшунослик фанларини ўқитишдаги инновациялар.
2. Маданиятшунослик фанини ўқитишда илғор тажрибаларидан фойдаланиш.

Калит сўзлар:

Санъатшунослик ва маданиятшунослик – санъат ва маданият тўғрисидаги фан бўлиб, маданият тарихи ва маданият назариясидан иборат.

Маданият – “Маданий” “шахарлик” деган маъноларни билдиради. Кейинчалик “Маърифатли бўлиш”, “Тарбияли”, “Билимли бўлиш” маъноларида ишлатилган.

Санъат – узоқ тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар, асори-атиқалар йифиндиси.

Анъаналар – жамият ҳаёти турли соҳаларининг моддий ва маънавий фаолият шаклларининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларининг авлоддан-авлодга ўтиши, аждодлар ҳаёти белгилари ва хусусиятларининг тақорланиш тарзи, дунёда анъаналар ва урф-одатларга эга бўлмаган миллат ёки элат йўқ.

Маънавият - инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратувчи ижтимоий ходиса.

Маърифат - билим ва маданиятнинг қўшма мазмуни бўлиб, маориф эса ана шу мазмунни ёйиш кураш, воситасидир.

Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишдаги илғор педагогик тажрибалар ва инновацион янгиликлардан фойдаланиш. Замонавий ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчилар ва уларни бартараф этиш йўллари.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳатларининг бош йўналишлардан бири кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган. Таълим тизими ўкув режаларида бўлажак мутахассислар дунёқарашини шакллантиришнинг таркибий қисми сифатида талabalарни миллий ва умуминсоний маданият ютуқлари билан таништириш кўзда тутилган. Зеро, инсониятнинг келажаги унинг маданиятлилик даражасига боғлиқ бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг таъкидлаганидек, “Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ

халқлари учун құдратли маънавият манбай бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазиикқа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффак бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилигандан нийҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”¹.

Таълим ва маданий омилларнинг уйғунлиги бу маданият ва санъат назарий асослари бўлган фанларни ўқитиш жараёни бўлиб, ҳозирги глобаллашув ва ахборотлашган даврда янги педагогик технологиялар асосида ўқитиш ҳисобланади. Аввало, Ўзбекистонда таълим тизими ва маданий омилларнинг уйғунлигини тадқиқ қилиш ҳозирда долзарб масала бўлиб турибди.

Инсоннинг том маънодаги мавжудлиги унинг маънавиятида ўз аксини топади. Фуқаролар маънавияти эса уйғунлашган ҳолда жамиятнинг мавқеини белгилайди. Шахслар ўртасида юксак салоҳиятга эга бўлган жамият, пировард натижада, яшовчан бўлади, зеро у шу жамият аъзолари томонидан эъзозланади, ҳимоя қилинади.

Аслида шундай бўлиши лозим. Аммо ҳар доим ҳам бу ҳол такрорланавермайди. Тарихдан сабоқ олишни қўпинча унуганимиз каби маданийлашган, инсонпарварлашган, демократик тартиб-қоидаларга амал қиласиган жамият кўп ҳолларда бизнинг орзу-умидимиз бўлиб қолаверади.

Дарҳақиқат шундай, мозийнинг қайси даврига, қайси мамлакат тарихига назар ташламайлик, унда буюк кўтарилишлару, юксак парвозлару, инсоннинг ақли бовар қилмайдиган кашфиётлар билан бирга таназзулу бўхронлар, маънавий инқирозлару, йўқотишларни кўришимиз мумкин.

Ўзбекистоннинг узоқ минг йилликлар давридаги маънавий-маърифий, маданий-мафкуравий ҳолатига назар ташласак ҳам шуни кўришимиз лозим.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б. 137-151

“Авесто”нинг пайдо бўлиши, қадимги шаҳар маданиятининг юзага келиши, ёзув маданияти, суғорма дехқончилик маданияти, Шарқ Уйғониш даври, диний ва дунёвий билимларнинг ривожи, Амир Темур давридаги юксак маданий-интеллектуал юксалиш, XIX аср охири, XX аср бошларидағи жадидчилик ҳаракати намояндадарининг фаолияти бизнинг, ўзбекларнинг илмий, ақлий салоҳиятидан далолат берса, Эрон аҳамонийлари, Александр Македонский юришлари, араб, мўғул, Россия истилолари, совет тизимидағи йўқотишлар миллатнинг қашшоқлашувига олиб келди.

Ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида, мустақиллик каби асрий феноменал туйғу таъсирида яшаётган бугунги кунда халқимиз, миллатимизнинг маънавий-мафкуравий негизларига назар ташлаш, уларнинг қай даражада мавжуд эканлигини ёрқин тасаввур этиш ўта муҳимдир.

Гап шундан иборатки, жамият фуқаролари ўзларининг маънавий-мафкуравий пойдеворини билмас ва унга суюнмас экан ёки уни инкорэтар экан, ундей шахс миллий ривожланишга фақат тўсиқ бўлиши мумкин. Бу гап айниқса жмиятнинг бебаҳо мулки бўлган зиёлилар, айниқса ўқитувчиларга кўпроқ тегишлидир.

Таълим тизимининг ҳал қилувчи бўғини бу – ўқитувчилардир. Шу аснода жамиятнинг келажаги, унинг равнақида зиёлилар-ўқитувчиларнинг масъуллик даражаси юқори. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури, “Таълим тўғрисидаги” қонун амал қилаётган ҳозирги шароитда бу нарса алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўқитувчининг билими, салоҳияти, қўнимаси, ҳаётий тажрибаси охир-оқибатида бўлғуси мутахассиснинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Бу нарса айниқса маданият ва санъат олий ўқув юртлари, ўрта маҳсус касб ҳунар коллежлари ва академик лицейлари ўқитувчиларига катта масъулият юклайди. Ўзбиек миллий маданияти, санъати назарияси ва тарихи билан кучли куролланган, замонавий, илгор педагогик технологияларга эга бўлган ўқитувчигина замон талабларига мос мутахассис кадрни тайёрларш мумкин.

Бугунги мутахассис замонавий фан ва технологияларни қунт билан ўрганиши баробарида, у айни пайтда юксак эътиқодли, маънавият-маърифат

бўйича кучли билимга эга, мафкуравий жиҳатдан событқадам, иймони бутун, гўзал инсон бўлиши лозим. Таълим тизимида бу нарсага эътибор қаратилмоқда. Бу борада жиддий ютуқларга ҳам эришилмоқда.

Аммо, собиқ совет мустабид тузуми давридаги мезонлар, кадрларга нисбатан қўйиладиган талаблар айрим ҳолларда, афсуски, ҳали ҳам ўз кучини йўқотмаяпти. Мамлакат Президенти И. Каримов шу ўринда қуйидагиларни таъкидлайди: “Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслиқ, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аввало, уларнинг собиқ совет тузумига сохта ғояларга садоқат ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиласарди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака ортириш мақсадида эмас, амал-такал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирап эди. Бу тузумдан бизга қолган мерослар ичидаги шунга ўхшаган салбий асоратларни, афсуски, ҳозир ҳам сезиб турибмиз”².

Дарҳақиқат, собиқ совет мустабид тузуми даврида Юртбошимиз таъкидлагани каби саёз савияли, муте мутахассислар минг-минглаб етиширилди. Ана шундай шароитда совет хукумати нима учун миллий маданиятларни, хусусан ўзбек, миллий маданиятини, унинг бой тарихини тарғиб этишга қарши бўлганлигини англаб етиш лозим.

Шуни қайд этиш лозимки, совет мафкураси маддоҳлари ўз маънавиятидан йироқ, миллий маданий меросини ўзлаштиргмаган одамларни бошқариш осон эканлигини яхши билганлар. Шунингг учун ҳам турли йўл, усуллар билан Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбекларнинг азалдан маданияти паст, кўчманчи, боқиманда халқ эканлиги тўғрисида “назария”ларни ишлаб чиқдилар. Бу эса ижтимоий-гуманитар фан дастурларида ўз акси топди. Энг ачинарлиси –

² Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент., 1998. – Б. 18.

биз ўзбек зиёлилари ҳам ўша “назария” ларнинг қулига айландик. Ўқув дастурлари эса асосан рус тарихи ва маданиятига асосига қурилди. Бу биринчи хато эди.

Иккинчидан, совет мафкураси ўзбек халқи маданияти тарихини, умуман миллат тарихини сохталашибди. Гап шундаки, бизнинг тарихимиз амалга урушлар, қўзғолонлар тарихидан иборат этиб кўрсатиди. Халқнинг, миллий зиёлиларнинг минг йиллари давомида яратган бой ва бебаҳо маданият дурдоналарига панжа ортидан қаралди.

Учинчидан, мустабид тузум таълим соҳасида ўзбек миллий маданияти фақат “сарой маданияти” тарзида талқин этилди. Оддий халқнинг маданиятини яратувчанлик кучи инкорэтилди. Совет тузуми йилларида таълим тизимида бу нарсага алоҳида аҳамият берилди. Халқнинг маданиятни яратишдаги ролини кўрмаслик билан эса ўзимиз ўз тарихимиз, маданий-миллий меросимизни инкор этдик.

Тўртинчидан, замонавий мутахассис тайёрлашда уларнинг маданий-бадиий жараёнларга муносабатини аниқлашнинг эстетик усули инкор этилди. Бошқача сўз билан айтганда, адабий-бадиий, маданий жараёнлар сиёсий нуқтаи назардан баҳоланди. Бундай мезон эса юзлаб, минглаб маҳаллийаллома-ю мутафаккирларни “халқ душмани” сафиға тизишига “асос” берди. Совет таълим тизимида маданиятнинг ягона ўлчови унинг сиёсий-мафкуравий доирага мос ёки мос эмаслиги билан ўлчанади.

Бешинчидан, ягона “совет маданияти”ни барпо этиш назарияси юзага келди. Бу эса, ўз навбатида миллий маданиятларни амалда инкор этган ҳолда рус маданияти негизида янгича, “совет маданияти” ни барпо этиш асносида “ривож” топди. Энг ёмони, “совет маданияти” нинг асосини коммунистик мафкура ва синфий дунёқараш ташкил этарди. Айни пайтда, “совет маданияти” нинг мазмун-моҳиятида партиявийлик, синфийлик, большевистик-вульгар гоявийлик, маданий жараёнларга бир ёқлама нигилистик қараш устувор аҳамият касб этди.

Миллий мустақиллик йилларида совет мустабид тузуми даврида шаклланган мафкуравий-сиёсий ақидалар барҳам топди. Миллий маданиятимиз,

маданий меросимиз тиклана бошланди. Маънавият-маърифат давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида тан олинди. Маданият тарихи ва умуман, миллий тарихими қайтадан янги, замонавий методология асосида ёзила бошланди. Янги тадқиқотлар юзага кела бошлади.

Буларнинг бари ҳозирги замон ўзбек таълим тизимида ўзининг ифодасини топмоқда. Бизнинг тарихимиз энг аввало яратувчанлик, бунёдкорлик, маданиятлар тарихи эканлиги тўғрисидаги ҳақиат қарор топди. Миллий маданий мероснинг тикланиши эса зиёлилар, биринчи ўринда ўқитувчиларни маданият ва санъат бўйича янги маълумотлар билан бойитди.

Назарий саволлар

1. Санъатшунослик фанларини ўқитиша янги педагогик технологиялардан фойдаланиш Санъат асарларининг замонавий жанр ва кўринишлари
2. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши
- 3.Хозирги босқичда Ўзбекистон маданияти, умумий холати, муаммолари, уларни хал этиш йўллари
- 4.Жамиятни маънавий ахлоқий ва тарихий маданий ривожлантириш жараёнида тарихий хотиранинг ўрни ва муаммолари.

Дидактик материаллар

«Кластер» техникасы – фикрларни тармоқланиши- бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларнинг мавзуни чуқур ўрганишга ёрдам беради. Талабаларда мавзуга таллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларни фикрлаш фаолиятини жонлантириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қиласди. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, умумлаштиришга ундейди. Кластер техноллгияси қуидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Таянч сўз берилади;
2. Барча талабалар шу сўз бўйича хаёлига келган ҳамма сўзларни ёзадилар.
3. Ёзилган сўзлардан боғланадиганларини белгилайди.
4. Таянчсўзнинг мазмунини ёритади.
5. Дарс давомида ўрганилиши лозим бўлган муаммолар талабаларга маълум қилинади ва улар дарс давомида тушунтириб берилади.

Мавзу бўйича тайёрланган топшириқлар.

1-гурӯҳ.

Уйғониш даври тушунчаси уни даврлаштириш масаласи.


2-гурӯҳ.

IX-XII асрлар Шарқ Уйғониш даврида табиий фанларнинг ривожла-ниши.

3-гурӯҳ.

Шарқ Уйғониш даври қандай хусусиятларга эга

Кластер



2-мавзу: Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларидаги инновациялар ва трансформацион жараёнлар. (2 соат)

Режа:

1. Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишида педагогик технологиялардан фойдаланиш.
2. Маданиятшунослик фанини ўқитишида қайси ахборот технологиялардан фойдаланиш мумкин

Калит сўзлар

Мерос - инсониятнинг ҳар бир тарихий босқичда яшаган авлодлари томонидан яратилган ва кейинги авлодга етиб келган барча моддий ва маънавий бойликлар мажмуудир.

Миллат - «миллат» сўзи «ўзак», «туб моҳият», «негиз» деган маънони билдиради.

Миллий ғоя - миллатнинг ўтмиши, бугуни, истиқболи, манфаат ва мақсадини ифодаловчи ижтимоий ғоя.

Миллий қариятлар - миллий мафкуранинг тарбиявий элементи.

Миллий мафкура - ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизни қўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятишимиз олдига қўйилган олий мақсад ва олий ғоядир.

Миллий маънавият - муайян элат, миллатга, унинг аждодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликлардир.

Миллий тарбия - у ёки бу миллатни, элатни ташкил этувчи кишиларни миллий маданиятини мерос, қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятни ривожлантиришдир, у миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг субъектидир.

Умумисоний маънавият - бутун инсониятга жаҳон халқларига тегишли бўлган маънавий-ахлоқий бойликлардир.

Ғоя - муайян фикр, мақсад сари етакловчи куч.

Қадриятлар – борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон хаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун кўлланиладиган тушунча.

Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанлари ўқитувчисининг инновацион фаолиятини ташкил этиш ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш – долзарб педагогик муаммолари.

Интерфаол (inter – бу ўзаро, act – ҳаракат қилмоқ) – ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландин сухбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишининг интерфаол услубиётлари – билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг маҳсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинадиган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни

тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

Кунлардан бир кун кўл бўйида қорни оч қолган бир киши балиқ тутиб турган донишмандга дуч келибди ва унга мурожаат қилиб: “мен очман, менга ёрдам бер!”. Донишманд қуидагича жавоб берибди: “мен сенга балиқ беришим мумкин, сен тез тўясан ва бироз вакт ўтгач, худди шундай яна оч қоласан ва мендан яна ёрдам сўрайсан. Мен сенга қармоқ беришим мумкин, лекин у қачондир синиб қолиши мумкин, унда сен менга яна мурожаат қилишингга тўғри келади. Яхиси, мен сенга қармоқ ясашни ўргатаман, бу узоқ ва қийин, лекин кейинчалик сенга менинг ёрдамим керак бўлмайди. Ўз йўлингни танла...”

Юқорида келтирилган ривоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, яхши ўқитувчи талабага “қармоқ ясашни” ўргатиши ва ақлли талаба ясашни қанчалик тез ва мустаҳкам ўрганиб олсалар, улар шунчалик бирорларга муҳтож бўлмасдан ўз “овларига” эга бўладилар.

Ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойихалаштирилган ва кафолатланган натижка беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлигидаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танланган мазмун, услугуб, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ.

Маданиятнинг таърифи хақидаги қарашларни таҳлил этадиган бўлсак, у ҳақда 400 дан ортиқ таърифлар мавжудлигини қайд этиш мумкин. Бу таҳлилларнинг умумлаштирган ҳолда олиб қарасак, улар “маданият одамзотнинг ўз табиий фаолиятини инкор этиши ва маданий фаолиятга ўтиши жараёнида иккинчи табиатни яратиш”: “инсон томонидан ижодий фаолияти маҳсули”, “инсон томонидан яратилган моддий ва маънавий қадриятлар йигиндиси”: “инсоннинг ижодий фаолияти маҳсули”: “инсоннинг ақлли мавжудот сифатида ўз

олдига мақсад қўя билиши”: “жамиятнинг фан ва техника соҳасидаги тараққиёти” каби ҳилма-хил қўринишларда ифодаланади.

Ана шундай ҳилма-хил таҳлилларда қўриниб турибдики, маданият тушунчаси борасида маълум бир ўзгармас таърифни бериш қийин. Қолаверса, бундай хуносага келишнинг ўзи ҳам мумкин эмас, чунки жамиятнинг қанчалик тараққий этиб боришига қараб маданият тушунчасининг мазмундорлик қамрови ҳам шунчалик кенгая боради³.

Бундай мураккабликнинг ибтидоси маълум маънода маданиятнинг пайдо бўлиши ҳақида тушунчаларининг келиб чиқишига бориб тақалса, унга хос жараён эса маданиятнинг бугунги ва эртасига хос ижтимоий ҳодиса сифатидаги яшовчанлик характеристига бориб тақалади.

Маданият муаммолари борасида қарашларининг ҳилма-хиллиги ва турлитуман зиддиятлар ечими масалаларига бориб тақалувчи анъаналар ҳам мавжудки, уларнинг мазмунини англаб этиш маданият муаммоларининг ҳозирги босқичидан фарқланувчи ўзининг тарихан шаклланиш жараёни, яъни унинг “классик моделини” ўрганишни тақозо этади.

Маданият тушунчасининг энг умумий қонунларини ўрганишга киришган маданиятшунослар таълимоти уни фалсафий таҳлил этишда шундай классик анъанани вужудга келтиради, унда онгнинг инсондан табиатгача бўлган мавжуд оламни ҳис этиш ва таҳлил қилишнинг барча жиҳатларини кесиб ўтувчи маънавий тушунчалар бирлиги мужассамлаша бошлади. Бу эса маданият ҳақидаги классик тушунчалар ёки унинг “классики модели”ни шакллана боришининг ижтимоий-тарихий замини бўлиб хизмат қилди.

Мана шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, маданиятнинг “классик модели”ни билмасдан туриб, маданият борасидаги ҳозирги қарашларнинг илмий-амалий аҳамиятини тўлақонли тушуниб этиш қийин. Зоро, маданият ҳақидаги тасаввурларни маданият тарихидан фарқламоқ керак. Қолаверса “маданиятнинг куртаклари” кишилик жамияти тарихининг илк босқичларидаёқ учраса-да бу

³ Усмонов Қ ва бошқалар. Маданиятшунослик. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Молия-иқтисод, 2008. – Б. 56.

“күртаклар” одамлар онгига маданиятнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги шаклида акс этмаган. Чунки ижтимоий-тарихий тараққиётнинг бу даврда кишиларнинг ҳаётий фаолияти уларга бўйсунмаган табиат кучларига қарам бўлган, шу боисдан ҳам уларнинг ҳаётидаги ҳал қилувчи ролни ўзлари эмас, балки ҳали инсон меҳнат фаолияти устида хукмрон бўлган табиатнинг стихияли қучлари ўйнаган. Шунинг учун ҳам уларнинг ибтидоий маънавий-маданияти табиатдаги турли предметлар ва ҳодисаларни илоҳийлаштириш, диний эҳтиром, сажда қилиш каби мифологик характердаги тушунчалар шаклидан бўлган. Фақат кейинги тараққиёт босқичларига келиб кишилар ўз ҳаётларининг кўпгина жиҳатларини ўзларига ва ўзларининг шахсий самарали ижодий куч-қудратига боғлиқ эканлигини англа бетдилар. Бу эса кишилармаданият ҳақидаги дастлабки содда лекин гумонли ва ноаниқ тасаввурларининг пайдо бўлишига олиб келди. масалан, ҳосилдорликнинг сабабини худонинг инъоми эмас эканлиги, балки ерга ишлов бериш ва дехқончилик маданияти ўртасидаги фарқни аниқлаш учун етарли бўлди. шундай қилиб, маданият тушунчасида инсоннинг ўз ўрни ва роли, фақат унгагина хос бўлган, табиатга ҳам, илоҳиётга (айниқса, илоҳий кучларга) ҳам тегишли бўлмаган инсоний фаолликни англа бетиш ўз ифодасини топди. Мазкур тушунча ва тасаввурлар барча илоҳий кучлар ўрнига инсоннинг ўзи “ҳал қилувчи куч” сифатида майдонга келганлигидан дарак беради.

Ана шундай зиддиятли мураккаб жараёнда маданиятнинг “классик модели”га хос бўлган гуманизм (инсонпарварлик), рационализм (ақлга суюниш) ва тарихийлик принциплари шакллана борди.

Маданиятнинг “классик модели”га хос гуманизм принципи инсон (умуман инсон эмас, балки аник бир шахс-шоир, рассом, файласуф ва бошқалар) “маданиятнинг яратувчилари”деган фалсафий ғояни илгари суради. Италиан гуманисти Д. Монеттининг сўzlари билан айтганда, ҳамма нарса назаримизда биз томондан ихтиро қилинди, тайёрланди ва мукаммалликка етказилди. Теварагимиздаги ҳамма нарса бизники, яъни инсонийдир, чунки улар кишилар томнидан яратилгандир.

Инсон табиат томонидан бевосита берилган нарсаларни яхшиловчи кўркамлаштирувчи, такомиллаштирувчи “санъати” туфайли ўзининг жисмоний мавжудлиги чегараланганилиги устидан ғолиб келади, деган фикрни илгари суради гуманистлар. Табиат томонидан умри қисқа қилинган инсон яратувчилик қобилияти туфайли у ўзининг чекланганлигини бартараф этиш ва бу билан у яхлитлик гармониясига даҳлдор бўлади.

Инсоннинг ўз интилишлари натижасида ижтиомий чекланганлик доирасидан чиқиш, бутунлик ва мукаммаллик ҳолатига етишини, уни эркин ва мустақил шахс сифатида олиб қараш – уйғониш даври гуманизмининг “инсонни кашф қилиниши” номини олган бош кашфиёти бўлди. бу эса инсонга янгича қарашнинг туғилганлигидан далолат эди. Инсон – эндиликда бир-бири билан боғланмаган икки табиий ва илоҳий (ярим ҳайвон, ярим фаришта) субстанция (моҳият) сифатида эмас, балки алоҳида ўзида инсонни моҳиятини мужассамлаштирган тан ва рух сифатида намоён бўлади. Демак, бу даврга келиб инсон ўзининг ҳаётининг бошқа шаклларидан фарқли жиҳатларини англаш етди ва улардан ажратиб турадиган чегараларни маданият тушунчаси қамровида ўрнатди.

Тараққиётнинг сўнги даврларида у ўзининг аниқ қиёфасини кўрсата бошлади. XVIII асрда мустақил маданият тушунчасининг пайдо бўлиши инсоннинг илоҳий ватабиий оламидан тамоман озод бўлиши тўғрисидаги тушунча ва тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Инсондаги мустақил ва ижодий яратувчанлик кучлари таъсирида пайдо бўладиган “майдонни” белгилаб олдиларки, бу майдон “маданият майдони” деб аталди. Инсон маданиятининг маҳсули эмас, балки маданий бойликларни яратувчи мавжудот сифатида гавдаланди, ташқи шароитлар, яъни табиат ҳодисалари таъсирида бўувчи субъект сифатида эмас, балки, ўзи табиатни яратувчи субъект сифатида тақдим этилди.

Шу маънода айтиш мумкинки, инсоннинг бошқа мавжудотларидан ажралиб туриши чегараси бу маданият чегарасидир. Инсон маданиятига мансуб бу чегара уни ижтиомий борлиқдан ажратиб турувчи девор ҳам эмас, балки инсоннинг ўз

табиатига кўра ким бўлиши учун босиб ўтиши лозим бўлган тарихий масофадир. Бу чегара бутун инсоний тарихдир, инсоннинг шаклланиши ва ривожланиши жараёндир. Шунга мувофиқ маданият ҳам ана шу чегарага тенг катталиқдадир. Бу масофанинг тарихий йўлнинг икки нуқтаси ажратиб боради: улардан биринчиси, одамнинг ҳали табиатдан ажралмаган ҳолати, яъни табиий ҳолат. Иккинчиси, ақл қонунлари билан олдиндан белгиланган ҳолат, яъни бу ақллий ҳолатдир. Демак, маданият айни бир пайтда инсоният пайдо бўлгандан бошлаб босиб ўтган тарихий йўл ва шу йўлнинг бош натижасидир.

Назорат саволлари

1. Санъат асарларининг замонавий жанр ва кўринишлари
2. Санъатшунослик фанларини ўқитишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш
 1. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши
 2. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти, умумий ҳолати, муаммолари, уларни хал этиш йўллари
 3. Жамиятни маънавий ахлоқий ва тарихий маданий ривожлантириш жараёнида тарихий хотиранинг ўрни ва муаммолари.

1-Илова.

«Инсерт» техникасининг қоидалари:

- | |
|---|
| 1. Текстни ўқиб чиқинг. |
| 2. Олинган маълумотни тизимлаштиринг. |
| 3. Ҳар бир қаторга қалам ёрдамида белгилар қўйинг.
V – маълумотлар мавзуга оид билимларимга тўғри келади.
+ – янги маълумотдир.
- – олган билимларимга тўғри келмайди.
? – мени ўйлантириб қўйди, бу масала юзасидан қўшимча маълумотлар керак. |

«ИНСЕРТ» жадвали

Жавоб варианлари

V

+

-

?

V – биламан.

+ - янги маълумот.

- - билганларимга зид.

? – мени ўйлантирум оқда.


Таққослаш таблицаси.

Моддий ва маънавий маданиятни таққосланг:

Моддий.	Маънавий.

2-Илова.

«Нима учун» организери



Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алмееев Р. Музеи Узбекистана и социально-культурные перспективы их развития. Т., 2007.
2. Александрова Л. Кто приходит в музей сегодня и придет завтра. / Музеи в период перемен. Материалы российского-британского семинара «Музеи Санкт-Петербурга в условиях рыночной экономики». СПБ., 1997. – 164 б.
4. Бабаназарова Б. Государственный музей искусств Республики Каракалпакстан. // Мозийдан садо. 1999. № 1-2.
5. Ботиров Б. Миллий маънавият маскани. // Маърифат. 2001. № 31.
6. Ботиров Б. Новый облик музея. // Нородное слова. 2001. № 84.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР МАЗМУНИ

3-мавзу: Янги педагогик технологияларни фанларни ўқитишдаги ўзгаришлари ва уларнинг ижобий натижаларидан фойдаланиш (2 соат)

Режа:

1. Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишдаги интерфаол ўйинлар.
2. Инновацион технологииларни қўллаш усуллари

Интерфаол (inter – бу ўзаро, act – ҳаракат қилмоқ) – ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландин сухбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари – билиш ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг маҳсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинадиган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Баҳслашув технологияси: Замонавий шароитда ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган муаммолар. Олий таълимда илғор педагогик технологииларни татбиқ этиш. Замонавий педагогик атамалар.

“Бахслашув” технологияси

Талабаларнинг ўқув гурухларида уларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилаш, бир-бирларига тезлик билан кўнишилари ёки ўзаро бир-бирларини яхши муносабатда бўлишлари учун баъзида улар ўртасида бахслар ташкил

этибуриш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай баҳслар талабаларни ўз фикрларини чархлаб олишга, ҳаётга ва муаммоларга бўлган муносабатларини аниқлаб олишга катта ёрдам беради. Баҳс мавзуларини талабаларнинг ўзлари танлашлари ва таклиф этишлари мумкин. Бу мавзулар уларни баҳсга чорловчи, муаммоли, қизиқарли бўлиши керак, акс ҳолда баҳс давомида талабалар ўз фикрларини баён эта олмайдилар ёки ҳимоя қила олмайдилар.

Баҳсларни ўтказиш учун талабалардан битта ёки иккита баҳс бошқарувчиси белгиланади. Улар баҳсни муҳокама қилиши керак бўлган мавзу ҳақидаги кириш сўзи билан бошлайдилар. Бу технологияни бир неча туркумда олиб бориши мумкин.

1. Маданиятли инсон деб кимни айтса бўлади?

- Инсон маданияти нималардан ташкил топади?
- Маданиятли инсонга тегишли қуйидаги фазилатлардан қайси бирини биринчи ўринга қўйган бўлардингиз(хушмуомалалик, топқирлик, маълумотлилиқ, нотиқлик)?
 - Барча маълумотли инсонларни маданиятли деб атаса бўладими?
 - Инсонларнинг сўзлашуви, нутқига қараб, уларнинг маданиятли эканликларини аниқласа бўладими?
 - Кийиниши қараб маданиятли кишини ҳисоблаш мумкинми?
 - Кимларни маданиятли деса бўлади?
 - Сиз ўзингизни маданиятли ҳисоблайсизми?
 - Сиз қайси маданият тарафдорисиз? Шарқми ёки Ғарбми?
- 2. Икки гурухга алоҳида савол берилади? Ушбу саволлар “Агарда...” деб бошланади ва бу икки гурухни баҳсга чорлайди?
 - Агарда Россия халқи 988 йил христиан динини қабул қилмаганида, бу халқ ҳозирги маданиятида қандай ҳолатда бўларди?

“Сценарий” технологияси

Технологиянинг мақсади: талабаларда якка ва жамоавий ижодий фаолият кўнникмаларини, шунингдек, ижодий қобилияtlарини шакллантириш, турли

шаклдаги якка ва жамоавий ижодий фаолиятни эгаллаш, ўтказиладиган тадбирларни олдиндан режалаштириш, сценарийсими тузиш, ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўникма, малака ҳосил қилиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулотни ҳар бир қатнашчиси якка ҳолда ишлаш учун тайёрлаб келган тарқатма материал (карточка)лардан биттасини танлаб олади. Карточкаларда талабалар учун турли хил тадбирларнинг мавзуси берилган бўлиб, улар шу мавзуда ўтказилиши мумкин бўлган тадбир ҳақида якка ҳолда бош қотиришлари, унинг мазмуни, ўтказилиши тартибининг турли шаклларни аниқлашлар ҳамда шу тадбирнинг режа-сценарийсими ишлаб чиқишилари керак.

Машғулотнинг кейинги босқичида талабалар ўзлари якка ҳолда тузган режа-сценариялари кичик гурухларга ажраладилар.

Улар ўз ишларининг натижаси билан гурух аъзоларини бирма-бир таниширадилар, ишлаб чиқилган режа-сценарийларга баҳо берадилар, берилган режа-сценарийларни тўлдириб, тўғрилаб, улар ичидан битта вариантни танлаб оладилар. Кейин кичик гурухлар биргаликда танланган тадбирнинг режа-сценарийсими ишлаб чиқадилар.

Вазифаларни бажариш мобайнида гурух аъзолари, якка тартибда ижодий ёндошиб, тайёрланган режа-сценарийларни эътиборга олган ҳолда ҳам улар ичидан танлаб олинган сценаий бўйича тақдимотга тайёрланадилар.

Ҳар бир гурух биргаликда тайёрланган сценарийларни ҳимоя қиласи. Ҳимоя вақтида гурух аъзолари (ёки гурух вакили) талабалар аудиториясининг саволларига жавоб бериши ёки ўз вариантларида қолишлари мумкин. Режа-сценарий лойиҳасининг намойиши схема (ёки томоша) шаклида бўлиши мумкин.

Тақдимот тугагач, талабалар ҳимоя қилинган лойиҳаларни биргаликда муҳокама қиласи, якунлайдилар. Ўқитувчи ҳар томонлама яхши, қизиқарли тузилган сценарийларни кейинчалик амалга ошириш учун ташкилотчиларга тавсия этади. Ўқитувчи бажарилган ишлар учун миннатдорчиллик билдиради.

Ўзини-ўзи баҳолаш саволлари

1. “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” фанларини ўқитишида қайси услублардан фойдаланса бўлади?
2. Санъатшунослик йўналишига қайси фанлар киради?
3. Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини ўқитишида қайси педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкин?
4. Санъатшунослик фанларини ўқитиши тизими деганда нималар назарда тутилади?
5. Маданиятшунослик фанини ўқитишида қайси ахборот технологиялардан фойдаланиш мумкин?

4-мавзу: Санъатшунослик ва маданиятшунослик фанларини тақомиллаши жараёни. (2 соат)

Режа:


1. Ўзбекистонда санъат турлари ва уларнинг ривожланиши
2. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон маданияти, умумий холати, муаммолари, уларни хал этиш йўллари

Тингловчиларга Режа бўйича саволлар берилад ва “Блиц сўров, “Ажурли арра қоидалари”, “Дельфи” жадвалари тарқатилади. Аамалий машғулот мобайнида қўйидаги жадваллар тўлдириб борилади.

1-Илова.

«Ажурли арра» қоидалари

- | |
|---|
| <ol style="list-style-type: none">1. Топшириқни бўлиш: Топшириқ ва матнни бир неча асосий қисмларга қирқилади.2. Биринчи групчлар: ҳар бир груп аъзолари қирқилган мавзуни оладилар ва экспертга айланадилар.3. Эксперт групчлар: Кўлида бир мавзуга оид ўқув топшириклари мавжуд бўлган талабалар мавзуни муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт групчга бирлашадилар.4. Бирламчи групчлар: Талабалар ўзларининг бирламчи групчларига қайтадилар ва эксперт групчларда ўргангандарини ўқитишиади. |
|---|



1. Топшириқни бўлиш: Топшириқ ва матнни бир неча асосий қисмларга қирқилади.
2. Биринчи гурухлар: Ҳар бир гурух аъзолари қирқилган мавзуни олишади ва экспертга айланадилар.
3. Эксперт гурухлар: Қўлида бир мавзуга оид ўқув топшириклари мавжуд бўлган талабалар мавзуни муҳокама қилиш, бошқаларга ўргатиш режасини эгаллаш учун эксперт гурухга бирлашадилар.
4. Биринчи гурухлар: талабалар ўзларининг биринчи гурухларига қайтариб ва эксперт гурухларда ўрганганларини ўқитишиади.

2-Илова.

“Блиц-сўров саволлари

1. Шарқ уйғониш даври маданияти уни даврлаштириш масаласи.
2. Шарқ Уйғониш даврида хаттотлик маданияти қай даражада ривож-ланди?
3. Бу йил юртимизда “Маъмун академиясининг неча йиллиги нишонла-нади?
4. “Яхши одамлар амалга интилиши керакми? Ҳа. У агар интилмаса ёмон одамлар амални эгаллайди”-деган фикр ким томонидан айтилган.
5. Исмоил Сомоний мақбараси қайси шаҳарда жойлашган?
6. “Қутадғу билик” асари ким томонидан ёзилган?

«Дельфи» жадвалини тўлдиринг

Талабаларнинг исми ва шарифи	Шарқ уйғониш даври ва унинг асосий омилларини кўрсатиб беринг.								
	1.			2.			3.		
	D	M	K	D	M	K	D	M	K
Кўпайтма йиғиндиси									
Д – даража баҳо.									
М – мўқобил баҳо.									
К – кўпайтма.									

Д – даража баҳо.

М – мўқобил баҳо.

К – кўпайтма.

1 – энг юқори балл.

10 – паст балл.

Тест саволлари

1. Театр қайси давлатда пайдо бўлган?

- A). Юнонистонда.
- B). Ҳиндистонда.
- C). Хитойда.
- D). Мисрда.
- E). Римда.

2. Хеопс мақбараси қаерда жойлашган?

- A). Индонезия.
- B). Ҳиндистон.
- C). Хитой.
- D). Миср.
- E). Бобил.

3. Игна билан даволаш биринчи бор қайси давлатда қўлланилган?

- A). Хитойда.
- B). Японияда.
- C). Ҳиндистонда.
- D). Марказий Осиёда.
- E). Кореяда.

4. “Бобил минораси” қайси давлат худудида жойлашган?

- A). Юнонистон.
- B). Ҳиндистон.
- C). Мессопотамия.

Г). Хитой.

Д). Миср.

5. Маданият назариясига милоддан олдинги 45 - йилда «ақл маданияти» («культура ума») тушунчасига асос солган шахс ким?

А. Аристотел

В. Конфуций

С. Геродат

*Д. Цицерон

6. Маданият дастлаб юзага кела бошлади ?

А. «Мис» даврида

В. «Бронза» даврида

С. «Ёввойилик» даврида

*Д. Инсоннинг меҳнатга бўлган дастлабки тушунчалари билан бирга

7. Маданият тушунчаси нимани англатади ?

А. Маданият – миллий анъаналар ва маънавий камолотнинг ўлчови

*В. Маданият – жамиятдаги моддий ва маънавий бойликлар йифиндиси

С. Маданият – диний қарашлар ва диний эътиқодларнинг мажмуи

Д. Маданият - ижтимоий ҳодиса

8. Томоша санъати назарияси илк бор қайси асарда пайдо бўлган?

А. Қонунлар-Платон

В. Нотиқлик-Цицерон

*С. Поэтика-Аристотел

Д. Илиада-Гомер

9. Қадимги Шарқнинг илк маданият ўчоқлари қайсилар ?

А. Қадимги Хиндистон ва қадимги Хитой давлатлари

В. Қадимги Эрон ва қадимги Кушон давлатлари

С. Қадимги Урарту ва қадимги Вавилон давлатлари

*Д. Қадимги Шумер ва қадимги Миср давлатлари

10.Хитой халқ маданияти ёдгорлиги «Буюк Хитой девори»нинг қурилган давр?

*А. Милоднинг 1-2 асрлари

В. Ўрта аср

С. Милоддан аввалги 10 аср

Д. Милоддан аввалги 12 аср

11.“Драма назарияси”нинг ўзбек тилидаги муаллифи ким?

А. Иззат Султон

В. Мамажон Рахмонов

С. Абдурауф Фитрат

*Д. Хафиз Абдусаматов

12.Чўлпон “Адабиёт надур?” мақоласини неча ёшда ёзган?

- *A. 16 ёшда
- B. 21 ёшда
- C. 27 ёшда
- D. 33 ёшда

13.Қадимги Хиндистонда яратилган машхур дидактик асарнинг номи нима?

- A. Рамаяна
- B. Махабхарат
- C. Кама Сутра
- *D. Калила ва Димна

14.Конфуций таълимоти қаерда пайдо бўлган ?

- A. қадимги Хиндистонда
- *B. қадимги Хитойда
- C. қадимги Мисрда
- D. қадимги Туронда

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ботиров Б. Новый облик музея. // Нородное слова. 2001. № 84.
7. Ботиров Б. Томошибин сийрак даргоҳлар. // Моҳият. 2001 № 20.
8. Дукельский В. Конкурент или пешка в чужой игре? // Мир музея 2007. № 7
9. Ибрагимова Н. Ҳайрат олами. // Мозийдан садо. 1999. № 1-2.
10. Курязова Д. Музей иши тарихи ва назарияси: Касб ҳунар коллежлари учун ўқув қўлланма. Т., 2007.
11. Содиқова Н. Маданий меросимиз хазинаси. Т., 1981.
12. Яковлев В.Н. Художники. Реставраторы. Антиквары. – Л., 1966. –232 с.
13. Ямщиков С. Сокровища личных коллекций: традиции и проблемы // Наше наследие. 1991. № 1.

Электрон таълим ресурслари

1. Soro @museum/samara/tu / Новые подходы обеспечения музея. Концепция развития музейного менеджмента и маркетинга.
2. www.hermitage.ru
3. www.cnac-gp.fr/Pompidou/
4. www.museum.sstu.runnet.ru
5. www.smartweb.fr/louvr